

9-10-2020

## PHILOSOPHY AND WORLDVIEW IN THE WORKS OF THE POET AJINIYAZ

J. K. Taspanova

*Karakalpak State University Independent researcher*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Taspanova, J. K. (2020) "PHILOSOPHY AND WORLDVIEW IN THE WORKS OF THE POET AJINIYAZ,"  
*Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 56.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/56>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## PHILOSOPHY AND WORLDVIEW IN THE WORKS OF THE POET AJINIYAZ

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2020 йил 9 сон**

## **АЖИНИЁЗ ШОИР ИЖОДИДА ФАЛСАФА ВА ДУНЁҚАРАШ**

Таспанова Жигагул.Кенжабаевна.

Қорақалпоқ давлат университети

мустақил тадқиқотчи

тел: 913707561 e-mail: [taspanova85@list.ru](mailto:taspanova85@list.ru)

**Аннотация:** Ушбу мақолада сўфизмнинг диний йўналиши баён этилган. Бу мақолада Ажиниёз шоирнинг дунёга кўзқараши акс эттирилган. Сўфизмнинг биринчи босқичи – шариат, иккинчи босқич – тариқат, учинчи босқич – маърифат босқичи, сўфийлик илмининг тўртинчи босқичи – ҳақиқат деб аталиши атаб ўтилган. Шоир тасаввуф таълимотининг йирик вакили, ўзига хос тариқат (йўл) асосчиси Хожа Ахмад Яссавийнинг фаолиятини юқори баҳолаб, унинг сўфизмга тегишли тўрт босқични ҳам муваффақиятли босиб ўтганлигини ҳақида айтилган.

**Таянч сўзлар:** Сўфизм, талимот, оламнинг яратилиши, дунёга кўзқараш, муваффақият, тариқат, маърифат, ҳақиқат, шариат, ориф.

## **ФИЛОСОФИЯ И МИРОВОЗЗРЕНИЕ В ТВОРЧЕСТВЕ ПОЭТА АЖИНИЯЗА**

Таспанова Жигагул.Кенжабаевна Каракалпакский государственный университет

независимый исследователь

тел: 913707561 e-mail: [taspanova85@list.ru](mailto:taspanova85@list.ru)

**Аннотация:** В этой статье рассказывается о религиозном направлении суфизм. Эта статья отражает мировоззрение поэта к миру. Первая ступень суфизма-шариат, вторая ступень – секта, третья ступень – стадия просветления, четвертая ступень суфизма – наука называлась истиной. Было сказано, что поэт высоко оценил творчество великого представителя учения суфизма, основателя особой секты Ходжи Ахмада Яссави и успешно прошел все четыре стадии, связанные с суфизмом.

**Ключевые слова:** суфизм, учение, сотворение Вселенной, видение мира, успех, секта, просветление, истина, шариат, ориф.

## **PHILOSOPHY AND WORLDVIEW IN THE WORKS OF THE POET AJINIYAZ**

J.K.Taspanova

Karakalpak State University

Independent researcher

тел: 913707561 e-mail: [taspanova85@list.ru](mailto:taspanova85@list.ru)

**Annotation:** This article describes the religious direction of Sufism. This article reflects the poet's world view of the world. The first stage of Sufism-Sharia, the second stage-sect, the third stage-the stage of enlightenment, the fourth stage of Sufism-science was called truth. It was said that the poet highly appreciated the work of the great representative of Sufism, the founder of a special sect, Khoja Ahmad Yassawi, and successfully passed all four stages associated with Sufism.

**Key words:** Sufism, teaching, creation of the Universe, vision of the world, success, sect, enlightenment, truth, sharia, orif.



Ўз бадий изланишларини тасаввуф таълимоти асосига қурган Ажиниёз шоир лирикасида ижтимоий-фалсафий моҳият қабариб кўринади. Муаззам поэтик солнома китобхон учун ибрат намунаси, ижод замирига сингиб кетган панд-насихат ва дидактик ғоялар жамулжами беихтиёр ўқувчини анча сергак торттиради, муайян хулоса чиқаришга замин ҳозирлайди. Муаллиф наздида, фоний дунё инсон учун синов майдони, Парвардигори олам ҳар бир банда феъл-атвори, ҳаракат-ҳолатига мувофиқ раҳм-шафқат ёки жазо тайинлайди. Яратган иродаси баъзан «Фалакнинг ўйини Жайхун гирдоби» [4:12] қадар ҳисоб-китобли, эзгулик ҳам, ёвузлик ҳам муносиб баҳосини олади. Соғлом эътиқод ва ҳаққоний маслак ҳамиша одамзодни маънавий юксалиш пиллапоясига етаклайди.

Ажиниёз шоир Ҳаллоқи оламни яратилиш қонунларини тартибга соладиган, инсонни бахтга элтадиган, фаровон турмуш тарзига имконият яратадиган асосий куч, у санъати ва яратувчилик қудрати билан халқ манфаатига мос келадиган адолат ва эзгуликни юзага чиқаради, деб тушунди. Оллоҳ Таоло табиий борлиқда, одамлар турмуш ҳаётига доимо аралшиб яшайди, шунинг учун инсонлар юриш-туриши Қуръонда белгилаб берилган инсонийлик нуқтаи назаридан амалга ошириши, ҳар бир мўмин «худо кўриб тургани йўқ» деб, ғофил қолмаслиги лозимлигини баён қилади.

Худо одамларнинг кўзига кўринмайди, ҳеч бир банда уни макон ва замонда, муайян майдонда турганлигини сеза олмайди. У инсонлардан олисда ва инсонлар билан бирга аралшиб юради деб тушунган Ажиниёз, сўфизм таълимотига таяниб, ундаги тўрт тариқатнинг бири – маърифат босқичидаги билимлар асосида «Худоба хос илми ғойиб» [1:153] – деб ёзди. Худо ўзи эга бўлган билими орқали инсонлар кўзига кўринмаслик кароматига эга. Худони билиш, таниш ва унинг дийдорини кўриш учун инсон илм, маърифат ўзлаштириш эҳтиёж, Оллоҳни таниш билимга пайвандлангани ва унинг улуғланишини баён қилди. Илм икки дунё саодатини беради, айниқса, худо билан дийдор кўришиб, арши аъло нурига беланиб, боқий дунёга эришиш учун илм жуда зарур.

Бинобарин:

Илм бирла билмоқ икки дунёни,

Инсоннинг фарзи ва қарзи демишлар.[5]

Илм ўрганиш фақат боқий саодатга эришиш кафолатигина эмас, балки борлиқни идроклаш, ижтимоий ҳаётни ислоҳ этиш, аҳоли турмуш тарзини яхшилашга хизмат қиладиган асосий восита!

Маърифат сўфизм таълимотида комил инсонни тарбиялаш етакчи омили, амалий ва муаммолар, инсон тавбага келиб, ўзини ўзи поклаши, моҳият-ўзликни англаши, ёвузлик ҳамда разолатдан сақланиши алоҳида усуллари сифатида поэтик талқин қилинади.

«Демишлар» шеърида муаллиф мўмин-муслимлар орифликни эгаллаб, худо даргоҳига эришиш учун босиб ўтилиши шарт саналган асосий тўрт босқични: «Тариқат, маърифат йўли ҳақиқат» [5] ва шарият босқичлари бу ишда алоҳида эътиборга олиниши эҳтиёжига эътибор қаратади. Бу босқичларнинг маъзини чақиб, тушунишга эришган Ажиниёз, худо билан дийдорлаштирадиган ҳар бир босқичга

тегишли бажарилиши зарур бўлган махсус қоидалар, мажбуриятлар ва фарзлар мавжудлигини таъкидлайди.

Сўфизмда комил инсон даражасига эришиб, худо билан дийдорлашишнинг биринчи йўли – **шариат** босқичи деб қабул қилинган. Бу босқичда сўфийлар учун аввало, ислом дини шариати (низоми) барча қоидаларини ўрганиб, ундан оғишмай яшаши кераклиги одат бўлган. Шариат – тўғри, плохий йўл, қонунга таянилган мувофиқ йўналиш, ҳукмлар тўплами, фикҳга асосланган қоидалар деган маънони англатувчи арабча сўз бўлиб, худонинг яратган қоидалари сифатида қабул қилинган. Шариат худонинг исбот талаб қилмайдиган қоидаларини тўғридан-тўғри амалга оширишни назарда тутган. Ушбу шариат босқичи мазмунини талаб даражасида ўрганиб, амалда қўллашни ўзлаштириб яшамаган одам, кейинги уч босқичга: тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларига кўтарила олмаган. Сўфийлар худога эришиш илми – илми ҳол ёрдамида комил инсон бўлишнинг биринчи босқичи – шариатни тасаввуфнинг тирноғи деб тушуниб, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларини шу тирноқ (пойдевор) устида тикланган уч қаватли уй шаклида қабул қилиб, пойдеворсиз уйнинг мустаҳкам бўлмаганидек, шариат илмисиз комилликка эришиш ҳам амалга ошмайди деган тушунча билан яшаган.

Шундан сўнг иккинчи босқич – **тариқатга** ўтиш даври бошланади. Тариқат – йўл, усул деган маънони англатиб, атама, асосан, уч хил маънода қўлланилган. Биринчиси, умумий негизда таълимот яхлитлигини тавсифлайди. Жумладан, Яссавий тариқати, Нақшбандийлик тариқати, тарзида тушуниш мумкин. Иккинчиси, сўфийлик маълум бир тармоғи, йўналиши маъносини англатган. Учунчиси, комил инсон концепцияси билан боглиқ бўлиб, худога эришиш босқичи. Ажиниёз шоир «Демишлар» шеърисида шу учинчи маънони бойитиб, тариқат босқичи илохий маърифатни эгаллашга интилган маънавий меърожга эришиш йўли эканлигини урғулаган.

Тариқат махсус босқич сифатида шариатдан тафовутланиб, ўзига хос таомил, талаб ва қонуниятларга асосланади. Жорий босқич шоир наздида инсонларни махсус таълим-тарбия орқали юксак ахлоқ, мусаффо қалб ва ирфоний руҳ эгаси этиб, худога яқинликни таъминловчи ўзига хос йўл сифатида тушунилган. Тариқат аслида сўфизм амалий босқичи ҳисобланиб, унинг мажбуриятларини тўлиқ бажарган инсон навбатдаги учинчи босқич – **маърифат** босқичига чиқишига мустаҳкам замин ҳозирланади.

Маърифат босқичида комилликка интилган сўфийлар осмон оламини, яратилишнинг худо, худонинг яратилиш сифатида жамланган ҳолда кўринишга келишини ўрганган. Яратилиш – дунё Оллоҳ Таолонинг ўз нуридан чиқарилган борлиқ эканлигини, шу жараёнларни, айниқса, худони танишга, билишга интилиш маърифат орқали юзага чиқиши ҳақидаги тушунча, кўникмалар шакланган. Уларнинг назарида маърифат яратилиш дунёси ва худони таниш ҳақидаги билимлар жамланмасидир.

Тасаввуфчилар ҳол сирлари ва илохий ҳақиқатга тегишли билимни ирфон деб, Оллоҳ ҳақидаги билимни маърифат деб атаган. Маърифат билимдан анча устун, ва кенгроқ тушунчани қамраган. Инсон қалбида маърифат пайдо бўлса, унинг қалбининг ҳоли ривожланади. Қалб мазмуни (ботини) бойигандан кейин,

жисмдаги аъзоларнинг вазифалари ҳам ўзгаради. Яъни амалий иш ҳолга, ҳол илмга, илм фикрлашга боғлиқ бўлади деб қаралган. Шу сабабли шоир инсондаги руҳий кечинмаларнинг ўзаро боғлиқ юқори даражада тўғри хизмат қилиши учун жисмдаги барча алоқалар соғлом организм асосида иш олиб бориши зарурлигини, шунга кўра инсоннинг жисмини, танасини, «қўл оёғини, бошини (фикрлашини), кўзини соғ айлашини» [3:133] тилади.

Шоир сўз юритган «Демишлар» шеърда сўфийлик илмининг тўртинчи босқичи – **ҳақиқат** деб аталишини, ҳақиқатга эришиш – бу сўфийнинг ривожланган комил инсон сифатида шаклланиб, худога эришиши, мақсад қилган мангулик дунёга қўли етиши деб тушунган. Чиндан ҳам, ҳақиқат – бу ҳақ, мавжуд нарса, дунё моҳиятини, худони билиш, воқелик сирларини тўғри тушуниб қабул қилиш натижасида Ҳаққа – Оллоҳга эришиш. Ҳақиқат (йўли) илми – жонли сезиш илми. Бунга эришган одам худодан ўзга борлиқ йўқлигини, худо азалий ва мангу борлиқнинг белгиси эканлигини, бундан бошқа барча нарса фоний – ёлгон эканлигини тушунади. Ажиниёз шуларни назарда тутиб: «Мен айласам бир-бир баён, фоний эрмиш ушбу жаҳон»[4:51], «Бу ёлгончи фоний дунё», [4:20] «Ёлгон дунё ўтар-кетар», [4:45] - деган эди. Ҳақиқат босқичидаги одамлар, инсонийлик сифатларидан илоҳий сифатларга эришган инсонлар. Бу босқичларнинг (тўрт) барчасини жамлаб сўфийлар «қирқ фарз» деб ҳам атаган. Шундай узлуксиз босқичларга эга тасаввуфни Ажиниёз алоҳида хусусиятли, тенги йўқ баҳога эга таълимот, бандани чин маънодаги комил инсон, мўмин-мусулмон, инсонийлик фазилатларига бой қилиб шакллантирувчи йўл деб билган. Ажиниёздаги ушбу комилликка эришишдаги тўрт босқич тўғрисида адабиётшунос-олим проф. Қ.Жаримбетов ҳам ўз ишларида тўхталиб, шоирдаги тасаввуфни ишқ талқини билан боғлаган ҳолда мазмунли тадқиқот яратган. [6:7]

Шоир тасаввуф таълимотининг йирик вакили, ўзига хос тариқат (йўл) асосчиси Хожа Ахмад Яссавийнинг фаолиятини юқори баҳолаб, унинг сўфизмга тегишли тўрт босқични ҳам муваффақиятли босиб ўтганлигини, шайхнинг ўтмишдаги орифлар яратган мерослар мазмунидан лаззат олиб, ўзини бахтиёр сезган ҳолда худо дийдорига ошиқ бўлганини, шу ютуқлари орқали халқнинг назарига тушиб, ҳурмат-иззатга эга бўлган ҳолатларни:

Туркистонда Хожа Ахмад Яссавий,  
Ўзи олим, сўфийликдан кўрган саъй,  
Тариқат, маърифат, йўли ҳақиқий,  
Лаззатли ҳикоят тутган демишлар. [5]

- деб баён қилган эди.

Ажиниёз Хожа Ахмад Яссавийнинг сўфийлик таълимотига маъзини чаққани, унга ихлос қўйганлиги яққол сезилади, унинг барча фалсафий қарашларини мукамал илғгани, бу таълимотни мўмин-мусулмонларда инсонийлик фазилатларини шакллантириб, ривожлантиришда восита тарзида қўллаганлигини, ўзининг бу ишларидан унинг баҳра олиб, ҳиссий идрокда лаззатланиб бахтиёр онларни яшаганлигини катта қизиқиш билан баён қилади.

Сўфизм таълимотида орифлик (ориф) алоҳида ўрин эгаллайди. Ориф худони таниган, билган ва ҳақ маърифатини етук эгаллаган, Оллоҳ сифатларини қабул



қилган, ўз борлиғидан чиқиб, ҳақ борлиғига эришишга муяссар бўлган одам. Орифлар хато қилмайди, адашмайди, элни доимо тўғри йўлдан олиб чиқадиган одамлар. Шоир орифлардаги шу натижаларни инсонлар жамиятида қўллаш тарафдори бўлиб, ижтимоий ҳаётни орифлар донолиги билан бошқаришни ўйлади.

Мутаффақкир дунёқарашича, фақат у дунёдагина эмас, балки бу дунёнинг ишларида ҳам адолатли, инсонпарвар ҳукм юритиш ишларини ориф одамлар, улут алломаларгина тўғри ташкил қила олади. Сабаби, улар инсонларнинг икки дунёдаги вазифалари нималардан иборатлигини яхши билади. Шунга кўра шоир, ҳукмдорлар орифлик даражасига эришмаган бўлса ҳам, орифларга яқин билим эгаллаб, элга донолик билан бошчилик қилиши фикрини илгари сурди. Эл бошчилари: «Ориф каби тўғри йўлни бошласа» [1:67] инсонлар фаровон турмушга эришиб, барча мўмин-мусулмонлар ўз ўринларига, мартабаларига эга бўлиб, тинч ҳаёт кечиришга эришади («Кўрдик»), одамларнинг у дунёси ҳам, бу дунёси ҳам обод бўлади, деб тушунди. Ана шундай мазмунда эл бошқариш ишлари олиб борилса, элнинг одамгарчиликка эга, иймонли, мўмин одамларга тўлиқ бўлишини кўз олдига келтириб, «Унганини ақл ва ўй билан кўриш мумкин» [1:67] бўлади деди. Орифлар элнинг аҳволини яхшилаш имконига эга. Сабаби улар Ҳақ таолонинг ўзи билан машғул бўлиб, халқни ҳол илми мазмунини билишга чақирувчилар. Орифлар илми ҳол – илми тасаввуф сирларини етук билувчи одамлар. Шоир ана шундай орифликка эришган, илм сирларини етарли даражада ўзлаштирган уламо-олимларнинг қорақалпоқ юртида кўп бўлганини «Бордир» номли шеърда: «ориф бўлиб ҳақ йўлига эришган, Муршид-у мукаммал пирлари бордир» - [4:39] деб ёзган эди.

Тасаввуф таълимотида «илми ҳол» тил билан баён қилса бўладиган реал илмлар, «илми ҳол» эса инсоннинг сўз билан тарифлаб бериши қийин, айтиб аниқлаш қийин, руҳ билан боғлиқ бўлган, инсон кўксига аён бўлувчи кечинмаларни ўрганувчи таълимотлар деб қабул қилинган. Шоир тасаввуф кишиларига ички руҳий дунёсини тозалаб, покловчи ботиний ҳол илмлари кераклигини, улар шу илмларни ўзлаштириш орқали муршидлик даражасига эришишини таъкидлаб, бу илм турларининг у дунё ва бу дунёда бирдай зарурлигига алоҳида эътибор қаратишни эслатди. Шу боис унинг:

«Муршидларга ботин керак, ҳол керак,  
Охират истасанг тўғри йўл керак» [4:97]

- деб ёзгани маълум.

Тасаввуфда ҳол тушунчаси бир томондан худога ошиқ бўлган инсоннинг қалбидаги суюниш, лаззатланиб, завқланиш туйғуларини, ундаги шунга боғлиқ руҳий лаззат ва жараёнларни назарда тутса, иккинчи томондан ҳол худога ошиқ одам учун маъшуқасининг, тақдири азалнинг худди ўзи. Шоир «Энди» номли шеърда:

Гоҳи йиғлаб, гоҳи кулдим,  
Ёмон ишлардан чекиндим,  
Зевар айтур, мен эгилдим,  
Ҳал(ҳол)дан тилаб иймон энди. [4:45]



-деб ёзган эди.

Ажиниёз бу дунёнинг ташвишлари туфайли одамларнинг гоҳида ноҳақ ишларга қўл ураётганини, меҳнат қилиб, ҳалол яшаш ўрнига, инсонийликка хос бўлмаган, фирибгарлик, енгилтаклик, нафс йўлига кириб яшаб юрганлигига бир томондан хафа бўлса, иккинчи томондан уларнинг бу ҳаёт бандага тирикликни синаб кўриш учун берилган синов эканлигини англамай, бу дунёнинг мазмунини тўғри тушунмай босган қадамларининг нодонлиги устидан кулди. Айрим инсонларнинг имонли бўлиб яшашга ҳаракат қилмаётганига жони ачиди. Бу ишда ҳал (ҳол) илми ёки тасаввуф таълимоти бандани у дунёда худога эриштириб, жаннатга олиб борувчи, унга имон бағишловчи илм эканини тушунтирди.

Шоир бандани жаннатга олиб борувчи имонга алоҳида диққат қаратиб, бунда ҳар бир мўмин-мусулмон: худонинг ёлғизлигига, унинг фаришталари ва пайгамбарларига, муқаддас китобларга, охиратга, тақдирга ва қиёматда қайтадан тирилишга ишониш кераклигини назарда тутди. Айниқса, имонли бўлиш учун худонинг таъқиқлаган нарсаларидан ўзини тийиб, унинг буюрганларини бор имконияти билан бажариши лозим. Буларга қўшимча фарзни – худо буюрган топшириқларни ва пайгамбар алайҳиссалом қўшимча қилган суннатларни бажариб, уларга амал қилишдан иборат. Бу имонни инсон ҳол илми мазмунини ўрганиш ёрдамида эгаллашга эришади. Шоир юқорида сўз юритган «Энди» шеърисида шуларни назарда тутиб, ҳол илмидан имон тилашни айтган эди.

Илми – тасаввуфга доир қоидаларни гоҳида диндорлар эҳтиёт қилмай, уни дунёвий ақидага алмаштириб ҳам юборишларини, худо билан дийдор кўришиш учун интилишларини охиригача етказолмай, ҳол илмига тегишли зарур қоидаларни бузиб юбориш ҳолатларининг ҳам гоҳ-гоҳида учраб туришини:

Оқшомида дийдор кутиб ётибдур,

Илми ҳал(ҳол)ни илми қал(қол)га сотибдур» - [4:109]

деб, айрим тасаввуфчиларнинг илми ҳал(ҳол)ни, яъни худони ўрганувчи тасаввуф таълимотини реал билимларни ўрганувчи илми қал(қол)га алмаштириб юбориш ҳолатларининг ҳам учраб туришини айтган. [2:19] Шу орқали Ажиниёз сўфийларнинг «ётса-турса, ҳаттоки ухласа ҳам эсида бир нарса – дийдор кўриш, яъни ҳақ дийдорига эришиш тилаги туришига» [6:23] қарамасдан ҳаётий реал илмларни ўрганишга, бу илмга аҳамият бериб қарашга диққат қаратганини баён қилган эди.

Ажиниёз таянган сўфийлик талимотида инсонларнинг юриш-туриши, феъл-атвори комил инсон даражасида шаклланиши назарда тутилган. Инсоннинг худога такая қилиб, зийрак яшашни, ўзининг иш-ҳаракатларини назорат қилиб бориши, билиб-билмай қилган гуноҳларини ёдида сақлаб, уни ювиб, покланиш учун савоб ишлар қилиши, халқини, элини ардоқлайдиган, ўзини худо ва халқ олдида даҳлдор сезиб яшашни, сабр, фаросатли бўлиб, эркини маҳкам ушлаши, замонининг қандай кечаётганидан хабардор бўлиб, унга ўзини маънавий жавобгар сезиши талаб қилинар эди.

Ижодкор фитрати фоний ва боқий оламаро ришта ҳол (тасаввуф) ҳамда қол (дунёвий) илмларини тенг ўрганишни вазифа қилиб, иккала таълимот яқдил мақсад сари интилиши, у дунё ва бу дунё барча сирларини ўрганиб, бу ҳақида одамларга

тушунча, маълумотлар бериши кераклигини, билимларни ўзлаштириш ҳол ва қол илми вакиллари учун фарз ва қарз ҳисобланади. Ажиниёз бу мушоҳадаси билан илм «у дунё» ва «бу дунё» сирларини баробар ўрганиши, буларнинг чамбарчас боғлиқлигини очиб бериши лозим, деб бутун инсоният олдига жуда муҳим вазифаларни қўйган эди.

Умуман, шоир лирикасида коинот гултожи – инсон идроки борлиқ синоатини очадиган калит, ҳар қандай шароитда ҳам одамзод оқилона турмуш тарзини маърифат бошқарувига ишорат мавжуд! Истак ва имконият мудоми бир-бирига тенглашавермайди, илм аҳли ҳамиша ўз обрўси, номи ва мартабасига муносиб бўлиши шарт, жамият фаровонлиғи ҳамда жадал тараққиётига йўл фанга туташади, манфаат-эҳтиёжлар эса унинг моҳиятини кафолатлайди.

#### Адабиётлар

1. **Эжинияз.** Таълаамалы шығармалары. Нөкис. ҚҚМБ. 1960. 180 бет.
2. **Ө.Әлеуов.** Эжинияр ҳол ҳам қол илимлари ҳаққында // Эжинияздың 190 жыллық юбилейине багышланған Республикалық илимий-теориялық конференция материаллары. Нөкис. НМПИ. 2014. 19-20 - бетлер.
3. **Эжинияз.** Таълаамалы шығармалары. Нөкис. «Қарақалпақстан», 1975. 252 бет.
4. **Эжинияз.** Таълаамалы шығармалары. Нөкис. «Қарақалпақстан», 1988. 152 бет.
5. **Эжинияз.** Демишлер. // Газ. Қарақалпақстан жаслары. 1997. 9-октябрь.
6. **Қ. Жәримбетов.** Ашық Зийўар. Нөкис, «Билим», 1998. 7-бет.

### НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ В ПОДГОТОВКЕ ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА К ПРОГРАММИРОВАНИЮ

М.Н.Икромова, НамГУ, докторант PhD

Ибо большое дерево вырастает из крошечного побега,  
самая высокая башня начинает строиться с горстки земли,  
путешествие в тысячу ли начинается с одного шага.

«Дао дэ цзин», Лао-Цзы

*Аннотация:* В данной статье рассматривается роль программирования в цифровом мире, а также приведены причины, которые показывают важность обучения детей программированию и некоторые аспекты в подготовке детей дошкольного возраста к программированию.

*Ключевые слова:* программирование, дошкольный возраст, алгоритмическое мышление, предметно-действенное мышление, наглядно-образное мышление, словесно-логическое мышление, подструктуры наглядно-образного мышления.

### МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ДАСТУРЛАШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Икромова М.Н. НамДУ, таянч докторанти

*Аннотация:* Ушбу мақолада рақамли оламда дастурлашнинг ўрни кўрсатилган, шунингдек дастурлашга болаларни ўқитиш заруратини кўрсатувчи сабаблар ва болаларни дастурлашга тайёрлашнинг айрим жиҳатлари келтирилган.

46	Қалбимизга яқин одамлар Тўйчиев А.Х. ....	268
47	Ўзбек тилшунослиги атамалари тарихидан Бобомуродова Ш.Э. ....	272
48	Таржимашуносликда экзотизм тушунчаси ва унинг тавсифи ҳақида Дехқонов И. ....	277
	<b>13.00.00</b>	
	<b>ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b> <b>ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ</b> <b>PEDAGOGICAL SCIENCES</b>	
49	Олимпия таълими дастурларининг мазмуни Мамажонов Д.А, Тураев В.Б. ....	282
50	On the questions of improving the professional skills of the teacher Rakhmatova O. ....	290
51	Formation of professional competence of biology students in english classroom Yuldasheva M. B. ....	294
52	Илғор хорижий давлатлар олий таълим муассасаларида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-педагогик хусусиятлари Абдурасулов А.А. ....	298
53	Бўлажак муҳандисларнинг илмий-тадқиқот компетентлигини шакллантириш жараёнини моделлаштириш Ахмедов А.Б. ....	303
54	Ал Хоразмийнинг меросни тақсимлаш ҳақидаги қарашлари ва унинг ++builder алгоритмик тилидаги дастури Арипов М.М.,Орипова У. ....	308
55	Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг касбий маҳоратини ошириш йўллари Бердалиева Г.А. ....	315
56	Ажиниёз шоир ижодида фалсафа ва дунёқараш Таспанова Ж.К. ....	320
57	Некоторые аспекты в подготовке детей дошкольного возраста к программированию Икромова М.Н. ....	326
58	Бўлажак дастурчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда дастурий воситалар имкониятларидан фойдаланиш методикаси Тўраев М.Ф. ....	332
59	Maple tizimi yordamida tekislikda vektorlarni qo'shishning animatsiya usulidan foydalanib talabalarning matematik kompetentligini rivojlantirish orqali o'qitishning sifat va samaradorligini oshirish Mirzakarimov E. M, Fayzullayev J. I. ....	337
60	Ўзбекистон-япония таълим тизими ривожланиш истиқболлари Хошимов Ф.Ф. Эгамбердиева Р. Файзуллаева М.Ф. ....	343